

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ
СИФАТИНИ ОШИРИШДА ТАЪМИНОТНИНГ ЎРНИ ВА УНИ
МУСТАХКАМЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

Рузимуратов О.Б.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Бозор иқтисодиёти шароитида, банклар фаолиятидаги энг асосий муаммолардан бири, берилган ссудаларнинг қайтарилмаслигидир. Ушбу муаммони қисман ҳал этиш, яъни миқдор томонидан кредитни қайтара олмаслик рискинни камайтириш йўлларида бири миқдор мулкнинг маълум қисмини берилган кредит учун гаров сифатида талаб қилишдир. Таъминланганлик тамойилининг асосий мақсади кредитнинг қайтиб келишини таъминлашга қаратилган. Шу боис бу тамойил кредит рискин ва у билан боғлиқ йўқотишларнинг олдини олиб кредитнинг ўз вақтида банкга қайтиб келишини таъминлайди.

Калим сўзлар: кредит таъминоти, гаров, кафолат, кафиллик, суғурта полиси, цессия, кредит фоизи, муаммоли кредитлар, аралаш таъминот.

Ўзбекистон Республикасининг банк қонунчилиги тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар турли шаклдаги таъминланганликка эга бўлиши лозимлигини кўзда тутди. Кредитнинг таъминланганлиги сифатида

қуйидагилар қабул қилиниши мумкин:

1. Гаров;
2. Кафиллик;
3. Кафолат;
4. Суғурталаш;
5. Ўтказиш (цессия) кабилар.

Кредит қайтмаслиги хавфини бартараф этиш мақсадида қарз олувчи кредит таъминотини тақдим этиши шарт, унга қўйиладиган асосий талаб унинг асосий қарзи ва унга ҳисобланадиган фоизларни ҳисобга олган миқдорда ёки ундан юқори қийматда сотилувчанлигидир. Кредит миқдорининг ҳар хил турдаги таъминотларнинг қийматига нисбати кредитлаш бўйича банкларнинг ички меъёрий ҳужжатларида ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида, шунингдек, чет эл валютасида кредит линияларини очган халқаро молия институтларининг келишувларида белгиланади.

Гаров ҳужжатлари расмийлаштирилаётган вақтда гаровга олинаётган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан унинг тўла қиймати бўйича, бордию мол-мулкнинг тўла қиймати гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан ошиб кетса, талаб миқдоридан кам бўлмаган суммага гаровга қўювчи(қарз олувчи) ҳисобидан банк фойдасига ўрнатилган тартибда гаров билан таъминладиган мажбуриятнинг бутун муддати даврига суғурталаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ҳолда суғурта шартномасининг муддати гаров билан таъминладиган мажбуриятнинг бутун муддатида кам бўлмаслиги ва суғурта мукофоти тўлиқ тўланиши лозим.

Мамлакатимиз банк амалиётида кредитларнинг таъминоти сифатида қуйидагиларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- а) Ўзбекистон Республикасининг ёки ваколатланган бошқа органларнинг кафолати;

б) давлат қимматли қоғозлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қимматли қоғозлари;

в) Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларда мавжуд эркин айирбошладиган ва миллий валюта қўринишидаги қимматликлар, банк омборларида ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки омборларида сақланаётган қарз олувчига тегишли олтин қуймалар;

г) банкларнинг кафолатлари;

д) юридик ёки жисмоний шахснинг шахсий мулки ҳисобланган ликвидли мол-мулклар;

е) ўз фаолиятини лицензия асосида амалга оширувчи молиявий барқарор суғурта компанияларининг кафолатлари ёки кредит қайтмаслик хатарини суғурталанганлигини акс эттирувчи суғурта полислари. Бунда кредит қайтмаслик хатарини суғурталаш тўғрисидаги суғурта шартномасининг амал қилиш муддати мазкур таъминот билан таъминладиган мажбуриятнинг бутун муддатидан кам бўлмаслиги ва суғурта мукофоти тўлиқ тўланиши лозим;

ж) тўловга қобилиятлилиги ва молиявий жиҳатдан ишончлилиги текширилган ҳамда кредит лаёқатлилиги бўйича банклар томонидан белгиланган скоринг баллидан паст бўлмаган учинчи шахсларнинг кафиллиги;

з) жисмоний шахсларга бериладиган кредитлар бўйича - жисмоний шахсларнинг кафиллиги;

и) кредит суммасини камида 1,25 баробар ортиқ миқдорда қоплайдиган, экспорт контракти бўйича талаб қилиш ҳуқуқларини мижоздан Банк фойдасига воз кечиб ўтказиладиган экспорт контракти. Таъминотнинг бундай тури фақат молиявий барқарор мижозларни кредитлашда қабул қилиниши мумкин;

к) қонунчиликда таъқиқланмаган таъминотнинг бошқа турлари.

Мол-мулк қийматини баҳолаш, баҳоладиган предметнинг бозор нархини аниқлашга асосланиши, ёзма шаклда баён этилиши, уни

аниқлашнинг асослари хусусида фойдаланувчиларга тушунча бериш учун етарли тавсифга эга бўлиши лозим. Банк баҳоланадиган предметнинг бозор нархини аниқлаш ҳисоботида, уни сотиш зарур бўлганда эҳтимолли йўқотишларни акс эттирилишини талаб қилиши мумкин. Гаров предмети амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳолатларда баҳоловчи ташкилот томонидан амалга оширилади. Банкнинг Кредит сиёсати, Банк талабларини қондирмайдиган ва кредит ва унга тенглаштирилган операциялар қайтарилишини таъминлай олмайдиган мол-мулк ёки кафолат мажбуриятларини таъминот сифатида қабул қилишни таъқиқлайдиган қатор чеклов чораларини назарда тутди.

Таъминот сифатида қуйидагилар қабул қилиш тавсия этилмайди:

- а) бюджет ташкилотларининг кафиллиги;
- б) жамоат ташкилотлари кафолати;
- в) тарихий, маданий ёки бошқа жиҳатдан қимматлиги ёхуд бошқа сабабларга кўра гаровга олиними/давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштирилиши ва сотиб олиними мумкин бўлмаган мол-мулк;
- г) фуқаролар мол-мулкининг қонунчиликка биноан ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган айрим турлари;
- д) молиявий барқарор бўлмаган, кредит ва фоизларни қоплаш учун етарли тўлов қобилиятига эга бўлмаган ҳамда қарздорга нисбатан қўйиладиган талабларга ўхшаш талабларга жавоб бермайдиган, хусусан, ноликвид балансга эга бўлган ва зарар билан фаолият юритаётган юридик шахсларнинг кафиллиги.

Кредитнинг таъминланганлиги сифатида қабул қилиниб, кредит мажбуриятлари бажарилиши таъминлашнинг кенг тарқалган усулларида бири кафиллик ҳисобланади. Кафиллик ёки кафолат деганда, учинчи шахснинг молиявий кафолати ёки кафиллиги билан бериладиган ссудаларни тушуниш мумкин. Бунда кредит бошқа бир ташкилотнинг кафолати асосида берилади. Кафиллик берувчи корхона ёки муассаса, агар қарз олувчи кредит шартномасида кўрсатилган шартларни вақтида бажармаса, шу туфайли банк

кўрган зарарларни қоплашга кафиллик беради ва фаолият давомида ҳақиқатда шундай аҳвол рўй берса, ўз маблағлари ҳисобидан зарарни қоплаб беради.

Кредит қимматли қоғозлар билан таъминланганда, таъминотнинг бу тури фақат Банк инвестицион Қўмитасининг тегишли қарори асосида олиниши мумкин. Банк аввал берилган кредитлар бўйича гаров таъминотини (ёки гаров таъминотининг қисмини) бўшатиш юзасидан қатор чекловларни кўзда тутди. Гаровга қўйилган мол-мулкни ундирувга, жумладан, сотувга қаратиш, амалдаги қонунчилик, кредит шартномасининг шартлари ва мол-мулк гарови шартномасига мувофиқ амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Basel Committee on Banking Supervision. (2017). Basel III: Finalising post-crisis reforms. Bank for International Settlements. Fabozzi, F. J. (2019). Bond markets, analysis, and strategies (10th ed.). Pearson.
2. Gorton, G., & Metrick, A. (2012). Securitization. In G. M. Constantinides, M. Harris, & R. M. Stulz (Eds.), Handbook of the Economics of Finance (Vol. 2, pp. 1–70). Elsevier. <https://doi.org/10.1016/B978-0-44-459406-8.00001-7>
3. European Central Bank. (2013). Collateral eligibility requirements: A comparative study. ECB Occasional Paper Series No. 143. <https://www.ecb.europa.eu/pub/pdf/scpops/ecbocp143.pdf>
4. Jobst, A. A. (2007). Collateralized loan obligations (CLOs): A primer. International Monetary Fund.
5. Bessis, J. (2015). Risk management in banking (4th ed.). Wiley.
6. Van Greuning, H., & Bratanovic, S. B. (2009). Analyzing banking risk: A framework for assessing corporate governance and risk management (3rd ed.). World Bank Publications. <https://doi.org/10.1596/978-0-8213-7729-4>
7. Singh, M. (2011). Velocity of pledged collateral: Analysis and implications. IMF Working Paper No. 11/256.